

ВАТАН СИЗГА ИШОНАДИ, ЮРТ ПОСБОНЛАРИ!

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN



POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 17-yanvar, shanba • №3(3793)

Кадрли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимиз фахрийлари!

Авваламбор, мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни, Куролли Кучларимиз ташкил топганининг 17 йиллиги билан сизларни, барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий курол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича кўлами ва моҳиятига кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишлар тизимли равишда ва босқичма-босқич амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Армияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганиш асосида Куролли Кучларни қуриш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Ҳарбий округлар, чегара ҳудудларининг тузилиши, ҳарбий операциялар олиб бориладиган энг муҳим йўналишларда жанговар қўшин гуруҳларининг ташкил этилиши, ўз таркибида энг муҳим ҳарбий тузилмаларни бирлаштирган Куролли Кучлар Бирлашган штабининг шакллантирилиши мамлакатимизда ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа тизимини яратиш имконини берди.

Куролли Кучларимиз сафини тўлдириш тартиби изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди, шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш деярли яқунланди, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга чақирув бир йилда бир марта амалга оширилади-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МУРОЖААТИ

ган бўлди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси Куролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-ша-раф ишига айланди.

Шу йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди. Бугунги кунда сержантларнинг қарийб учдан икки қисми замонавий ўқув базасига эга бўлган, салоҳияти тобора ортиб бораётган сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим олганини қайд этиш лозим. Куролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибининг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг чиндан ҳам муҳим омиллиги, мухтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзагига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, армияни курол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, биргина 2008 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 51 фоизга оширилди. Муддатли ҳар-

бий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 минг нафардан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда.

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, миллий мудофаани барпо этиш соҳасидаги чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Куролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичга кўтарилди, деб таъкидлаш учун бугун барча асосларимиз бор.

Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни вақтда миллий анъаналарни кўз қорачигидек асраб-авайлаб келаётган армиямиз она Ватан хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.

Азиз юртдошларим!

Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг сўнгги пайтда фаоллашгани, нар-

коагрессиянинг кўлами тобора кенгайиб бораётгани сабабли ҳамон кескинлигича қолаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, террорчилик ҳуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда.

Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгилаш бўйича биз танлаган стратегия армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий курол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтириши тақозо этади.

Шу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш энг муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан. Мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган реал таҳдидлар, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларини чуқур баҳолаш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ҳарбий қурилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида армиямизнинг қурилиши ва жанговар таркибини, қўшинларнинг бошқарув тизимини янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Ҳозирги пайтдаги урушлар ва ҳарбий можаролар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Куролли Кучлар аввало тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий

жанговар операцияларни амалга оширишга қодир бўлиши, мамлакат иқтисодиётига, муҳим ҳаётий таъминот объектлари ва коммунал-қияларга, бегуноҳ одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига жиддий зарар етказишга қаратилган куролли ҳаракатларни содир этишда ҳар қандай бешафқат усул ва шакллари ишга солишдан қайтмайдиган, яхши куролланган ноқонуний жангари тўдалар ва кўпуровчи-террорчи гуруҳларга қарши самарали курашишга тайёр туриши даркор.

Шу муносабат билан Бирлашган штаб, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг муҳим вазифаси жанговар бўлинмаларнинг сафарбарлик ва ҳаракатчанлик, ўзини ўзи бошқариш даражасини ошириш, уларнинг мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарши тезкор ҳамда самарали жавоб бериш қобилиятини янада кучайтиришдан иборат бўлмоғи лозим. Армиямизда махсус ташкил этилган янги турдаги ҳаракатчан бирлашма ва қисмлар – Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси, разведка-қидирув взводлари, шунингдек, принципал жиҳатдан мутлақо янги бўлинмалар – вертолёт-ҳужум взводларининг тезкорлик ва жанговар имкониятларини кенгайтириш ва кучайтириш, уларнинг юқори даражадаги тайёргарлигини таъминлаш, энг замонавий курол-яроғ ва махсус воситаларга эга бўлишига эришиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Куролли Кучлар ва қўшин турлари штаблари ўз саъй-ҳаракатларини турли бузғунчи кучлар, кўпуровчи-террорчи гуруҳлар жиноий ҳаракатларини содир этишда фойдаланиши мумкин бўлган мамлакат мудофааси, давлат чегараларини муҳофаза қилиш тизимидаги заиф бўғинларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур чораларни кўриш бўйича яқин ҳамкорликни таъминлашга қаратиши даркор.

(Давоми 2-бетда).

ШАРАФЛИ ХИЗМАТ ЭЪТИРОФИ

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳам муносиб тарзда нишонланди. Бу ҳақдаги репортаж билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишасиз.



ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов олиб борди.

Дастлаб республика ички ишлар идораларининг 2008 йилдаги тезкор-хизмат фаолиятининг натижалари муҳокама қилиниб, эришилган ютуқлар ва аниқланган камчиликлар атрофлича таҳлил этилди. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳуқуқ-тартиботни ва жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Сўнг Бухоро ва Навоий вилоятлари ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган чоғида ушбу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг 2009 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иккинчидан. Бирлашма ва қисмларнинг ташкилий-штат тузилмасини янада такомиллаштириш, фронт орти ва техник таъминот бўлинмаларидаги бир-бирини такоррлайдиган, самарасиз тузилма ҳамда офицерлик лавозимларини қисқартириш ва ихчамлаштириш, бирлашма ва қисмлардаги гуруҳ командирлари лавозимларини сержантлар таркиби ҳисобидан тўлдириш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Буларнинг барчаси, биринчи навбатда армиямизнинг бошлангич бўғинида ташкилий тузилмани тубдан яхшилаш, шахсий таркиб жанговар тайёргарлигининг сифат даражасини ошириш, бўлинмаларнинг кундалик фаолиятини ташкил этишда сержантларнинг ролини кучайтириш, шунингдек, кичик офицерлар таркибининг хизмат фаолиятини, бирлашма ва қисмларни бошқариш тизими самардорлигини юксалтиришга ёрдам бериши керак.

Учинчидан. Армиямизни замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қуроллантириш ўта муҳим вазифа бўлиб, айнан шунинг ҳисобидан армиямизнинг тезкорлиги ва ҳаракатчанлиги, зарур жанговар қудратини таъминлаш мумкин.

Аввало, армиямизни замонавий жанговар ҳарбий техникалар, разведка ва кузатувнинг электрон тизимлари, нишонни юксак даражада аниқ урадиган тезкор қуроллар, самарали алоқа воситалари, шунингдек, яқка тартибда ва гуруҳларда қўлланадиган ишончли химоя воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчидан. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МУРОЖААТИ

офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳарбий билим юртлари қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда кўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-илмий марказларига айланиши даркор. Бунинг учун улар жанговар шарафдорлик имкон қадар тўла яқинлаштирилган вазиятни моделлаштиришга қодир бўлган энг замонавий тренажёрлар билан жиҳозланиши, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усулларида кенг фойдаланиши даркор. Шу муносабат билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик билим юртида қисқа вақт ичида Қуролли Кучларнинг Махсус моделлаштириш ва симуляция маркази ўқув бўлинмаларини ташкил этиш лозим. Уларнинг зиммасига марказий бўлинмаларнинг моделлаштириш ва симуляция усулларини, шунингдек, армиямизнинг офицер кадрлари ҳамда сержантлари таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни учун ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаларини юклаш зарур.

Бешинчидан. Муддатли ҳарбий хизматга бир йилда бир марта чақириш тизимига ўтиш, ёшларнинг ҳарбий қаҳриқдан олдинги тайёргарлик даражасига талабларнинг ортиши, шу билан бирга, армияда шартнома асосида хизмат қилишнинг кенгайиши мудофаа ишлари бўйича бўлинмалар ва бошқармалар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Қуролли Кучларнинг кадрлар таркиби ва сафарбарликка тайёргарлик даражасини яхшилаш борасидаги барча ишларимизнинг самарасини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган ушбу бўлинмаларда ҳарбий хизмат соҳасида катта тажрибага эга, армия билан яқин алоқада бўлган, унинг муаммоларини, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва мақсадларини яқин биладиган офицерлар ишлаши даркор.

Олтинчидан. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий химоя қилиш самардорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талаб-

ларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиш беришимиз керак. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эришиш, ҳарбийларимизга тиббий, курорт-санатория хизмати кўрсатишни яхшилаш чораларини амалга ошириш лозим.

Еттинчидан. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждандар сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилияти, мамлакатимиз хавфсизлиги ва жамиятимиздаги маънавий-ахлоқий муҳит бевоси-

та ушбу вазифаларнинг нечоғлик муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли ватандошлар!

Армиямизнинг қудрати — аввало, унинг халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган мустаҳкам ришталарида, узвий алоқасида намоён бўлади.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида Ватан манфаатларига чин дилдан садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачиғидек асраб келаётган энг муносиб йигит-қизларимиз хизмат қилмоқда. Уларнинг фойда-яни, жанговар азму шижоати ҳар қачонгидан ҳам юқори баҳоланиб, халқимизнинг юксак ҳурмати ва сазовор бўлмоқда, ҳарбий хизматчининг ўзи эса давлатимиз ва жамиятимиз гамхўрлигини амалда ҳар томонлама чуқур ҳис этмоқда.

Мана шу кутлуг байрам суфида мен Қуролли Кучларимиз сафида Ватанини химоя қилишдек мураккаб, айни пайтда дунёдаги энг олижаноб ва масъулиятли бурчни шараф билан адо этаётган мард ва жасур инсонларнинг ота-оналарига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сиз, азизларни, сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан химоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 17 йиллиги билан яна бир бор табриклияман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, она Ватанимиз равнақи йўлидаги хизмат фаолиятингизда янги муваффақиятлар, гайрат-шижоат, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти, Қуролли Кучлар
Олий Бош қўмондони.

ЭЛУ ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли химоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз шакллангани, миллий армиямизда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг ҳақиқий шон-шараф ишига айлангани Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган оқилона сиёсатнинг юксак самараларидандир.

Ҳар томонлама пухта тайёргарликка эга, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан яқин таъминланган Қуролли Кучларни ташкил этиш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида жаҳондаги энг илгор тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни пайтда халқимиз анъаналарини садоқат билан асраб-авайлаб келаётган том маънодаги миллий армиямиз шаклланди.

Қуролли Кучларимиз халқимизнинг тинч меҳнат қилиши ва осойишта ҳаётини, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мамлакатимизни изчил ривожлантиришнинг ишончли кафолатидир. Армиямизнинг қудрати, жамиятдаги аҳамияти, фуқароларимиз, айниқса ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора юксалмоқда. Миллий армиямизда ўз Ватанига содиқ, юксак билим ва маҳоратга, маънавий-ахлоқий тарбияга эга йигитлар хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда 14 январь — Ватан химоячилари куни кенг нишонланмоқда.

“Туркистон” саройида 13 январь куни ушбу байрамга

бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган муурожаатини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Армияни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотлар туфайли Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди, мамлакатимизнинг ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа комплекси вужудга келди. Қуролли Кучлар сафини тўлдириш ва фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимининг такомиллаштирилгани Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилиятини сези-



ларли равишда оширди, армиямизни тубдан янгилади. Жумладан, муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилгани ихчам, замонавий ва профессионал асосдаги армияни шакллантириш имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг фармонида биноан жорий йилдан бошлаб фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга йилга бир марта чақирилиши ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дас-турларини, ҳарбий ихтисосларни сифатли ўзлаштиришни, Қуролли Кучларимизда ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этишни, ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳорати ва

тайёргарлигини янада оширишни назарда тутди.

Замонавий ўқув базаси билан таъминланган сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари ҳарбий тайёргарликни илғор илм-фан ва техника ютуқларига асосланган ҳолда олиб бориш учун мустаҳкам замин бўлаётди.

Бу эса миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини ошириш, маънавий-ахлоқий савиясини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан химоячиларига ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишлар кўла-

ми тобора кенгаймоқда. Жумладан, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган алоҳида имтиёзлар жорий этилди. Муддатли ҳарбий хизмат давомида юксак натижаларни кўлга киритган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга имтиёзли кириш учун тавсияномалар берилмоқда. Ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори мутасил оширилмоқда.

Президентимизнинг фармонида мувофиқ, Ватан химоячилари куни муносабати билан мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳ-

камлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар орден, медал ва фахрий унвонлар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан аскар онаси Малика Валиева, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири Мадат Эгамов, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири Валижон Турдиев давлатимиз раҳбарига ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган алоҳида эътибори ва доимий гамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъана тусини олган уч босқичли танлов асосан, 2008 йилда ҳам энг илгор бригада, батальон, взвод, гуруҳ командири ва энг илгор сержант аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илгор ҳарбий қисм, сержантлар тайёрлаш мактаби ва олий ҳарбий билим юрти ҳам мукофотланди.

Тантанали йиғилиш катта байрам концерти билан якунланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбири.

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ МУКОФОТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муқофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари хо-

димларидан бир гуруҳи Ватанамизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида ички ишлар идораларининг куйидаги ходимлари бор.

Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муқофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Ҳайдаров Абдор — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ўқув бўлимининг бошлиғи

«МЕХНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Жўрабқов Умарбек Сотиволдиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти кафедрасининг бошлиғи

И ДАРАЖАЛИ «ШОИ-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Қуватов Зафар Ҳороқович — Қарши шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин учирувчиси

Файзиев Бахтиёр Алимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Бозоров Маҳмуд Ражабович — Бухоро шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин учирувчиси

Тошқўлатов Баҳром Мухторович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

Тўхтаминшев Абдурахим Амиркулович — Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин учирувчиси

Шамсуддинов Шухрат Мўллович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг батальон командири

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Кўчқоров Маҳамалжон Мамадалиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

Маматов Хусниддин Муфатхонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғининг ўринбосари

Нажимов Тоҳирдин Зухриддинович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи

Ҳайдаров Алиёр Каримович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи

Юлдашев Исроил Исмолович — Дашҷон вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Исроилов Носир Муродович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлимининг бошлиғи

Муқомов Зейдулло Туробович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг гуруҳ командири

Ўктамов Хайрулло Рустамжонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг ўқитувчиси

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги фидокорона хизматлари юқори баҳоланган ҳамкасбларимизни Ватанамизнинг юксак мукофотлари билан чин дилдан муборакбод этамиз.

ЮКСАК ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ



Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик халқимизнинг фаровон ҳаёти, бунёдкорлик салоҳияти, Ватанамиз тараққиётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда кўтаринки руҳда нишонланаётган ҳар бир байрам, тўю тантана, фарзандларимиз шоду хуррамлиги, халқимиз эришаётган ютуқлар замирида тинчлик ва осойишталик ётибди.

Қуролли Кучларимизни ҳар томонлама юксалтириш, жумладан, армиямизнинг сафарбарлиги, ҳаракатчанлиги ва сергақлигини кучайтириш, маънавий жиҳатдан юксак, билим донраси кенг, тираж фикрлайдиган кадрлар тайёрлашни таъминлашнинг, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини кучайтириш давлатимиз спесиясининг устувор йўналишларидан биридир.

14 январь. Ушбу кунда Мустақиллик майдонига тапширилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат божхона қўмитаси вакиллари — генерал ва офицерлар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу шиятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эз-

гулик монументи пойига гулчамбарлар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

...Мустақиллик, Тинчлик, Эзгулик. Азал-азалдан ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, айрича тасаввур қилиб бўлмайдиган бу тушунчалар озод мамлакатимиз, бунёдкор халқимиз ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келмоқда. Зотан, Ватанамиз посбонларининг Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйиб, эҳтиром кўрсатиши ҳам бунинг ёрқин ифодасидир. Гулчамбарлар қўйиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б. Матлюбов бошчилигидаги ИИБ соҳавий хизматлар раҳбарлари ва ички ишлар идоралари фахрийлари ҳам иштирок этти.

Ўз мухбиримиз.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондони, полковник **Дмитрий Валерьевич ПАН**.

Дмитрий Валерьевич Пан 1971 йилда туғилган. Маълумоти олий, 1992 йилда Россия Федерацияси ИИБ Новосибирск олий ҳарбий қўмондонлик билим юртини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1992 йилда республика ИИБ Ички қўшинлар бошқармаси алоҳида бригадаси взвод командири лавозимидан бошлаган. 1993–2009 йилларда ИҚБ тезкор батальони штаб бошлиғи ёрдамчиси, взвод командири, бўлинма бошлиғи ёрдамчиси, бўлинма бошлиғи, ИҚББ ҳарбий қисм командири ўринбосари, биринчи ўринбосари — штаб бошлиғи, ИИБ ҳарбий бригадаси командирининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиғи, республика ИИБ Алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари, ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Тошкент вилояти Чиноз тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор **Икромжон Жасурович ЭРГАШХОДЖАЕВ**.

Икромжон Жасурович Эргашходжаев 1974 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Котибиятининг катта инспектор-таржимони лавозимидан бошлаган. 1996–2009 йилларда ИИБ Котибиятининг референти, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, ЖК ва УЖҚБ катта тезкор вакили, бўлинма бошлиғи, Тошкент вилояти ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Фарғона вилояти Беширик тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник **Мансуржон Бобоҷонович МАМАДАЛИЕВ**.

Мансуржон Бобоҷонович Мамадалиев 1959 йилда туғилган. Маълумоти олий, 1985 йилда Горький олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1985 йилда Фарғона вилояти ИИБ 1-ШМБ иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш гуруҳи тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1989–1995 йилларда Фарғона шаҳар ИИБ иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили, бўлинма бошлиғи, Бағдод тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, 1995–2009 йилларда Сўх тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Бувайда тумани ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Фарғона вилояти Риштон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник **Таваккалжон Эсоналиевич РАҲИМОВ**.

Таваккалжон Эсоналиевич Раҳимов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Фарғона вилояти Бағдод тумани ИИБ ЭҚБ эксперти лавозимидан бошлаган. 1995–2009 йилларда Бағдод тумани ИИБ ҳисобга олиш, қайд этиш ва статистика ишлари гуруҳи инспектори, Олтиариқ тумани ИИБ участка инспектори, катта инспектори, ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ЖК ва УЖҚБ катта тезкор вакили, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, Риштон тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Навоий вилояти Томди тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник **Ҳамидулло Ибодуллаевич РАҲМАТУЛЛАЕВ**.

Ҳамидулло Ибодуллаевич Раҳматуллаев 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Навоий вилояти Нурота тумани ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекцияси инспектори лавозимидан бошлаган. 1994–2009 йилларда Нурота тумани ИИБ ДАНБ нозир, Навоий вилояти ИИБ ЖКБ тезкор вакили, бўлинма бошлиғи ўринбосари, КР ва ТҚКБ бошлиғи ўринбосари, ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи, Навбахор тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Наманган вилояти Норин тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор **Баҳодир Фуломович РУЛОМОВ**.

Баҳодир Фуломович Фуломов 1971 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1996 йилда Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1998–2009 йилларда Тўрақўрғон тумани ИИБ терговчиси, Чортоқ тумани ИИБ тергов бўлими бошлиғи, Тўрақўрғон тумани ИИБ тергов бўлими бошлиғи, Учқўрғон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари — жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



РЕПОРТАЖ

ШАРАФЛИ ХИЗМАТ ЭЪТИРОФИ

Индиликда Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди.
Ислоҳ КАРИМОВ.



Ватан – останадан бошланади. Ватанини севадиган инсон борки, унинг осойишталигини сақласам, равнақиға ҳисса қўшсам, дейди. Ватанпарвар юртининг фаровонлигидан кувониб яшайди, турли бало-қазоларга қалқон бўлгиси келади. Юртни севиш, ардоқлаш туйғуси шунчалик муқаддаски, у она сути ва алласи орқали қалбларга муҳрланади. Ватан тушунчаси шу қадар улугки, у она билан қиёсланади. Зеро, Ойбек домла:

*Ватани сев, тупроғини ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.
Чулидаги ҳатто қуруқ чўп,
Жондан азиз юрагимизга*

дея она юртга ўхшаши йўқ таъриф берган эдилар. Ватанини севиш иймондандир. Иймонли кишида орийат, гурур бўлади. Ватан ўзининг орийатли, фидойи ўғил-қизлари, уларнинг садоқат кўрсатишлари туфайли гуллаб-яшнади. Фидойилик, садоқат эса албатта, ўзининг муносиб баҳосини олади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бошқа жабҳаларда бўлгани каби Куролли Кучлар тизимида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Юртимизда Ўзбекистон Куролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ амалга оширилган, кўлами ва

моҳиятига кўра улкан ишларимиз барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтилди.

Йилдан-йилга ҳарбий хизматчиларнинг, Ватан посбонларининг нуфузи, обрўси халқ орасида ортиб бормоқда. Эгнига ҳарбий либос кийиб, эл-юрт хизматида бўлишни ҳар бир йигит-қиз орзу қилапти. Ҳарбийлик шарафли касбга айланади.

Мамлакатимизда ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни катта тантана қилиб келинади. Жорий йилда ҳам мазкур сана юртимизда кенг нишонланди. Чунончи, республика Ички ишлар вазирлигида ҳам Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Шу куни республика ИИВ мажлислар залига ташриф буюрган Марказий аппарат шахсий таркиби байрамона либосда мамлакатимиз Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 17 йиллиги билан бир-бирларини табриклашар, юзларида кувонч зоҳир эди. ИИВ Марказий аппарати ҳузуридаги полковник Г. Терзян раҳбарлигидаги намуналик-кўргазмали оркестр томонидан ижро этилган Ватанин улуғловчи, ватанпарварлик ва фидойиликни тараннум этув-

чи тароналар барчани шоҳидиёнага чорларди.

14 январь. Соат 12.00. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов бошчилигидаги вазирлик раҳбарияти залга кириб келди. Вазир тантанали йиғилишни очиқ деб эълон қилгач, залга Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи олиб кирилди. Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов ички ишлар идоралари шахсий таркиби ва фахрийларини байрам билан муборакбод этар экан, жумладан, шундай деди:

– Бугунги байрам кунда республика Ички ишлар вазирлигининг кўп минг кишилик жамоаси эл-юртимиз манфаати, унинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳалол хизмат қилишга тайёр, бу борада жонини ҳам аямайдиган фидойи инсонларни ўз сафида бирлаштирганини яна бир бор таъкидлаш ҳар томонлама ўринли бўлади, деб ўйлайман. Айнан шундай инсонларнинг меҳнати билан ички ишлар хизмати давлатимиз ва жамиятимизнинг чинакам таянчи, адолат ҳимоячиси сифатида юртдошларимизнинг ҳурмат-эҳтиромини қозонмоқда. Бундан барчамиз фахрланамиз.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз тараққиётида амалга оширилган туб ўзгаришлар ва улугвор ишларда Сиз, азизларнинг ҳам катта ҳис-

сангиз бор. Элу юрт осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, турли қонунбузарликларга чек қўйиш борасида кечаю кундуз тинимсиз хизмат қилиб келаётганингиз таҳсинга сазовордир. Шу билан бирга, эл-юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида курашган, кечагина сафимизда юрган айрим ҳамкасбларимиз бугун орамизда йўқ. Лекин уларнинг порлоқ хотираси, қилган ишлари ва эзгу фазилатлари ҳамisha қалбларимизда сақланиб қолади.

Йиғилишда ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари хотираси бир дақиқа сукут сақланиб, ёдга олинди.

– Ўз бурчини сидқидилдан адо этаётган, жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатиб келаётган бир гуруҳ ходимларимиз Ватан ҳимоячилари куни арафасида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганини гурур билан таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, азизларни ва ички ишлар тизимида хизмат қилаётган барча ходимларни, уларнинг оила аъзоларини улуг айём – Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман, – деди Б. Матлюбов.

Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб эшиттирди.

Вазир, генерал-лейтенант Б. Матлюбов қизгин олқишлар остида Давлат мукофотиға сазовор бўлган ходимларга орден ва медалларни тантанали суръатда топширди. Шу билан бирга, намунали хизмат қилиб ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, жиноятчиликка қарши кураш ва осойишталикни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси учун бир гуруҳ ходимлар республика Ички ишлар вазирининг буйруғига биноан «**A'lo xizmatlari uchun**» кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Шунингдек, ёшларни Ватанга муҳаббат, касбга фидойилик руҳида тарбиялаш ишларига салмоқли ҳисса қўшаётган республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимовга ҳам «**A'lo xizmatlari uchun**» кўкрак нишони топширилди.

Вазир мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида туну кун хизмат қилаётган барча ички ишлар ходимларига муваффақият тилади.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби – Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти бош-

лиги ўринбосари, полковник Ҳусниддин Маматов, «Шуҳрат» медали билан мукофотланган Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ бўлим бошлиғи, подполковник Носир Исроилов, республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Гофур Раҳимов, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби – ИИВ Қоровул кўшинлари Бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Алиёр Ҳайдаров Юртбошимиз ҳамда вазирлик раҳбарияти томонидан билдирилган юксак эътироф учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, мамлакатимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ваъда бердилар.

Тантанали йиғилиш концерт дастурига уланиб кетди. Элимиз ардоғидаги санъаткорлар, «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи ҳамда ИИВ Ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари томонидан ижро этилган Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат ва ички ишлар идоралари ходимларининг шарафли хизматини улугловчи дилрабо куй-қўшиқлар дилларга завқ-шавақ бағишлади.

Мард, фидойи Ватан ўғлонлари бор экан, мамлакатимиз тинчлиги, осойишталиги, хавфсизлиги ишончли кўлларда, дея баралла айта оламиз. Улар туфайли осмонимиз мусаффо, юртимиз обод.

Кобилжон ШОКИРОВ,
«Постда» муҳбири.

Суратларда: байрам тантанасидан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

МУКОФОТЛАНГАНЛАРНИНГ ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ

Маҳаммаджон КҮЧҚОРОВ, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, ИИВ Қоровул кўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи, катта сержант:

– Ҳарбий қисмда қарийб ўн етти йилдан буён хизмат қилиб келмоқдам. Камтарона хизматим юксак мукофотга лойиқ топилганидан беҳад мамнунман. Бунинг учун Юртбошимизга, вазирлик раҳбариятига ҳамда кўмондонликка ўз миннатдорчилигини билдираман. Бундан кейин ҳам мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва халқимизнинг осойишталигини таъминлашга бор куч-ғайратимни сарфлашга ваъда бераман.

Исроил ЙҮЛДОШЕВ, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, Андижон вилояти ИИБ ЁХБ бошлиғи, полковник:

– Давлат мукофоти билан тақдирланганимдан қалбим фахру гурурга тўлди. Ушбу мукофот соҳадаги кўп йиллик хизматимга, қолаверса, бутун жамоамиз фаолиятига берилган юксак баҳо деб биламан ва у бизнинг зиммамизга янада кўпроқ масъулият юклайди. Шундай экан, келгусида ҳам фуқаролар хонадонлари, корхона ва ташкилотлар иңшоотларини ёнғиндан асраш борасидаги ишларимизни кучайтириб, юртимиз фаровонлигига муносиб ҳиссамизни қўшамиз.



УНВОН МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

Республикада осойишталик ва тинчликни таъминлашда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда кўрсатаётган фидокорона хизматлари учун ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ички ишлар идораларида хизмат қилаётган қуйидаги ходимларга навбатдаги полковник махсус ва ҳарбий унвонлар берилди:



Абидов Дилшад Сайфуллаевич – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизмати бошлиги ўринбосари



Газбаева Дилара Юлдашевна – ИИВ ЖК ва ТҚКБ бошқарма бошлиги ўринбосари



Мирфайзиев Миркомил Мирхашимович – ИИВ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари



Набераев Фидель Исмаилович – ИИВ Тергов Бош бошқармаси бошқарма бошлигининг ўринбосари



Арапатов Баҳром Ахмеджанович – ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиги



Мирзаахмедов Захид Махмудович – Андижон вилояти ИИБ бошлиги ўринбосари – Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиги



Бабабеков Шамситдин Абдурасулович – Самарқанд вилояти ИИБ Ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиги



Умаров Абдор Вакильевич – Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ тергов бўлими бошлиги ўринбосари



Ахатов Нурматулло Асатович – Тошкент вилояти ИИБ Жазони ижро этиш бўлими муассаса бошлиги



Курбанов Муҳаммад Саматович – Транспортдаги ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиги



Болтаев Муҳаммаджон Мадиярович – ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари



Насиров Аскар Азамович – ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти алоқани ташкил қилиш кафедраси бошлиги



Джумаев Ильхам Бурханович – ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси назорат хизмати бўлими бошлиги

ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

БАЙРАМ МУНОСИБИ НИШОНЛАНДИ

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда, жумладан, ички ишлар идораларида кенг нишонланди. Қуйида жойлардан олинган хабарлар билан таништирамиз.

ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармасида бўлиб ўтган тантанали йиғилишни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Шодиев кириш сўзи билан очди ва йиғилганларни айём билан муборакбод этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида Ўзбекистон Куролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армия шаклланишини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, йиғилишда намунали хизмат қилаётган ходимлар ва аскарлар Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари кўмондони ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Миллий тикланиш» демокра-

тик партияси Марказий Кенгашининг Фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.
Суратда: *тадбирдан лавҳа.*
АБУ КЕНЖАЕВ олган сурат.

ТОШКЕНТ. Вилоят ИИБда ўтказилган байрам тантанасини бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник А. Муллажонов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни айём билан муборакбод этди. Республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимов ва бошқарма фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги полковник Т. Маҳмамов сўзга чиқиб, тантана қатнашчиларига ўз тилақларини билдиришди. Сўнг ички ишлар ходимларини мукофотлаш, махсус унвонлар бериш, рағбатлантириш, фахрийлар ва хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги буйруқ ўқиб эшиттирилди ва улар эгаларига топширилди.

Ўз мухбиримиз.

ХОРАЗМ. Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирда жиноятчиликнинг олди-

ни олиш ва унга қарши курашда ўрناк бўлаётган бир гуруҳ ходимларга махсус унвонлар, пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Шундан сўнг узок

хизматлари учун» кўкрак нишони ва навбатдан ташқари махсус унвонлар топширилди. Шунингдек, ички ишлар идораларида узок йиллар самарали хизмат қилган подполковниклар – Шамсиддин Сувонов,

Баҳодир Муротов, Муродқобил Курбанов ва майор Тоҳир Яҳеев тантанали равишда нафақага кузатилди. Шу кунги вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси музейининг очилиш маросими бўлди.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ.

ИИВ Академиясида байрам арафасида ушбу олий ўқув юртида кўп йиллар хизмат қилган бир гуруҳ фахрийларга моддий ёрдам кўрсатилди. Тантанали йиғилишда эса ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажариб, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар, тингловчи ва курсантларга фахрий ёрликлар, қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари топширилди.

У. УСМОНОВ.

ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби курсантларидан иборат «Халоскор» терма жамоаси «Ўзбекистон» телерадиоканали орқали намойиш этиб келинаётган «Иқтидор» интеллектуал телеуйинининг Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган навбатдаги мусобақасида иштирок этди. Улар Тошкент ахборот технологиялар университети тингловчиларидан иборат «Лочин» терма жамоаси билан беллашувда ғолиб бўлишди.

Ўқтам ХОЛИҚОВ.



йиллар ички ишлар идораларида фаол хизмат қилган подполковниклар – вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиги ўринбосари Илҳом Ризаев ҳамда ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиги Раҳимбой Тангрибердиев нафақага кузатилди. Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти, элимизнинг севимли санъаткори Бобомурод Ҳамдамов ижро этган дилрабо қўшиқлар иштирокчиларнинг қалбини завқ-шавққа тўлдирди.

Бекмурод УСМОНОВ.
Суратда: *тадбирдан лавҳа.*
МИРЗА АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЖИЗЗАХ. Тантанали тадбирда ички ишлар идоралари фахрийлари, меҳмонлар иштирок этишди. Вилоят ички ишлар идоралари ходимларидан бир гуруҳига «А'ло



ҚАРОР ВА ИЖРО

НОБУДГАРЧИЛИК – ГУНОҚ

Нон – ризк-рўзимиз. Унинг мўл-кўллиги дала-ларимизда униб-ўсаётган бугдой майсаларининг бус-бутунлигига боғлиқ. Ана шу эзгу мақсадда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги «Қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги соҳавий хизматлар томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Экин майдонлари пайҳон қилинишининг олдин олдин мақсадлида тузилган 1338 та кузатув гуруҳи ҳар куни рейдлар ўтказмоқда. Бунинг натижасида шу кунгача республикамиз бўйича галла экинзорларини пайҳон қилиш

билан боғлиқ 1000 та ҳолат аниқланди. Афсуски, шу пайтга қадар етмиш тўрт гектардан зиёд галла майдонни пайҳон қилинган. Оқибатда фермер хўжалиқларига қирқ етти миллион сўмликдан зиёд зарар етказилган.

Пайҳонга йўл қўйган 843 нафар фуқарога судлар томонидан қарийб ўн тўрт миллион сўм миқдорда жарима солинди.

Мисол учун, Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИБ ходимлари томонидан «Жиллисев» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи К. Дўстмуродовнинг беш бош қорамоли ва Ҳ. Уланованинг 8 бош қўйи «Санагок болқоп» фермер хўжалигининг 0,06 гектар галла майдонини пайҳон қилиб, хўжаликка 96 минг сўм миқдорда зарар етказгани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан

тушланган ҳужжатлар чора кўрини учун туман судига юборилди.

Галла экин майдонларини пайҳон қилганлиги учун жойлардаги маъмурий комиссияларнинг қарорига асосан жами 43 бош қорамол ва 120 бош қўй-эчки сўйилиб, уларнинг гуниги кам таъминланган оилалар, болалар боғчалари ва мактаб-интернатларга тарқатилди.

Шу ўринда нобудгарчилик билан боғлиқ яна бир ноҳуш ҳолат хусусида қайд этиб ўтмасак, адолатдан бўлмас. Республикамизнинг айрим туманларида тут дарахтини но-

қонуний кесиш билан боғлиқ ҳолатларнинг учраётгани ачинарлидир. Чунончи, 2009 йил 5 январь куни Бухоро вилояти Бухоро тумани Кечуноқ қишлоғида яшовчи фуқаро Қ. Панжиев «Деҳқонобод» фермер хўжалигининг 4 тул тут дарахтини чошиб, хўжаликка 28 минг сўм миқдорда молдй зарар етказгани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан суд томонидан айбдорга жарима солиниб, етказилган зарар тулиқ ундирилди.

Умуман олганда, республикамиз бўйича тут дарахти нобуд қилинган 7

та ҳолат аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан 117040 сўм миқдорда жарима солинди.

Гап жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омиллари ҳақида борар экан, Ўзбекис-

тон энг аввало, иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мослашувчан минитехнологияларни татбиқ этиш, ички ва ташқи бозорларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада ошириш, иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибни жорий этиш, техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, жаҳон бозорларида нарх-наво конъюктураси тез ўзгариб бораётган шароитда экспорт механизмларини тақомиллаштириш йўлидан боришини ҳукумат кўраётган чора-тадбирлар кўрсатиб турибди.

Умуман олганда, инқирозни келтириб чиқарган сабабларга ва унинг таҳлилига жаҳондаги етакчи давлатларнинг ёндашувлари турлича. Шундан келиб чиқиб, хар бир давлатнинг инқироз оқибатларини бартараф этиш юзасидан кўрадиган чора-тадбирлари ҳам бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Европада ҳозирги вазиятдан жиддий ташвишга тушаётган давлатлар билан бирга, ўз иқтисодий имкониятларини чамалаб ҳозирги ҳолатдан талафотларсиз чиқиб кетишга умид боғлаётган мамлакатлар ҳам бор. Бироқ Осиё, Африка ва Жанубий Америкадаги аксарият мамлакатлар оғир юкли катта давлатларнинг бу борада қандай қадам ташлашларини кузатиб туришибди. Улар ўша давлатларнинг ёрдамларига муҳтож. Шунинг учун мустақил қадам ташлашдан олдин етти ўлчаб бир кесишлари керак.

Иброҳим НОРМАТОВ.

«НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

ТАНЛАНГАНЛАРИ ТАНЛАНАДИ

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Ички ишлар вазирлиги томонидан кўрилатган чора-тадбирлар натижасида профилактика хизматининг халқчиллиги ортди, асосий диққат-этибор маҳаллага қаратилди, милиция таянч пунктларида соҳавий хизматлар ҳамда жамоатчилик вакиллари орасида ҳамкорлик йўлга қўйилди, соҳанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Натижада профилактика инспекторларининг тезкорлиги, ўзига бўлган талабчанлиги ва масъулияти сезиларли даражада ортиб, асосий кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатди. Уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини янада ошириш, ҳуқуқ-тартиботни бевосита маҳаллаларга йўналтириш, аҳоли ичига кенгроқ кириб боришда милиция таянч пунктларининг ролини ошириш мақсадида ҳар йили республика миқёсида «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови ўтказилиш аънавага айланган қолди.

Навбатдаги тадбир одатдаги дек, республика Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қўшма қарорига асосан ташкил этилди. Унга кўра жойларда йил якуни бўйича ғолиб деб топилган милиция таянч пунктларининг маданий-маърифий кўргазмалари ташвиқот лавҳалари билан жиҳозланганлиги, хизмат хоналарининг етарли эканлиги, атрофида спорт майдончалари ва бизнес-шоҳобчаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқбузарликка қарши кураш, жиноятларнинг олдини олиш борасидаги ишлар, шунингдек, номинациялар бўйича номзодларнинг фаолиятини мукамал ўрганиб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди.

Ишчи гуруҳи томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида ўтказилган тадбирда совринли ўринни олиб, республика босқичига тақдим этилган милиция таянч пунктлари ва номинациялар бўйича номзодларнинг фаолияти ўрганиб чиқилиб, билдирилган хулосалар, видеолавҳа ва фотоальбомлар билан бирга ғолибларни тақдирлаш масаласини кўриб чиқиш учун республика кўрик-танлови ўтказиш комиссиясига тақдим этилмоқда.

Номзодларни ўрганиб чиқиш жараёнида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда профилактика хизмати ходимларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла посбонлари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, яраштириш комиссиялари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганлиги, милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш борасида ташкилий-амалий ишлар бугунги кун талаби даражасида йўлга қўйилганлигига алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Кўрик-танловнинг якуний босқичида энг фаол милиция таянч пунктлари қуйидаги ҳудудларга тақсимланган ҳолда танловда иштирок этади:

I-ҳудуд: Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари.

II-ҳудуд: Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари.

III-ҳудуд: Сирдарё, Жиззах, Навоий ва Бухоро вилоятлари.

IV-ҳудуд: Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.

Бундан ташқари, кўрик-танловда «Маҳоратли ва матонатли профилактика инспектори», «Ёшлар ҳуқуқлари ҳимоячиси», «Бирдамлик ва ҳамжихатликда фидойи маҳалла раиси», «Тинчлик ва осойишталикда ташаббускор маҳалла посбони», «Маърифий-маънавий етакчи маслаҳатчи», «Ижтимоий фаол ва ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси», «Оқибатли ва муросали яраштириш комиссияси» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланади.

Ўйлаймики, ушбу тадбир милиция таянч пунктларидаги ҳамкорликни яхшилаш, профилактика тадбирларни янада жонлантириш орқали юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлади.

Саъдулла ШОДИЕВ.

ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ

Бука тумани вилоятдаги аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан ҳисобланади. Аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланади.

Тумандаги Ўзбек, Янги ҳаёт маҳаллаларида 2008 йилда бирорга жиноят ва ҳуқуқбузарлик қайд этилмади. Бунинг асосий сабабларидан бири, мазкур масканларга хизмат кўрсатувчи 100-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Ағзамжон Саггаровнинг ҳузурига ҳуқуқий, маиший ёки бошқа масалаларда кўмак сўраб келган фуқароларнинг бирорта ҳам илтимоси жавобсиз қолдирилмади. Қўниқўшини, қайнопа-келини, эр-хотин келинмовчиликлари, маиший тўловларнинг пажро этилиши, паспорт алмаштириш, янгилаш, рўйхатга қўйиш, нафақа олиш, чет элга ишга бориш, қўйиш, ниман-

ки зарурият бўлса ҳаммаси мана шу ерда — милиция таянч пунктида ҳал қилинади.

Капитан Ағзамжон Саггаровнинг туман ИИБ ҚООБ ВЕОҚООГ қатга инспектори, капитан М. Эдилов, ЖК ва УЖҚКБ инспектори, капитан А.Шодибеков, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари, маҳалла посбонлари билан яқин ҳамкорлиги вазиятни назорат қилиш, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда кўл келмоқда. Ахир тўрт мингта яқин аҳоли истиқомат қиладиган, шаҳарнинг қоқ маркази бўлган, бундан ташқари, 2 та ўрта мактаб, йигирмадан ортиқ корхона ва ташкилот жойлашган ҳудудда узаро ҳам-

корликсиз, кўпчиликлари таянмай иш қилиб бўладими?

А. Саггаров маҳалладаги 19 нафар муқаддам судланганларнинг лаёқатини ҳисобга олиб, барчасини ишга жойлаштирди. Улар айни дамда тинч меҳнат қилиб, фарзандлари тарбияси билан машғул. Д. Отақулов, А. Латипов, Р. Хужамуродов, Г. Ғайназаров ва бошқалар ҳали-ҳануз профилактика инспекторининг олдида келиб, ундан маслаҳат сўраб туришади. Оила аъзолари ҳам профилактика инспекторидан чексиз миннатдор.

Профилактика инспектори, капитан А.Саггаров унга яқин маҳалла посбонлари, қирққа яқин уйбоши, кўчабошиларнинг фаолиятини тўғри йўлга қўйган. Уларнинг тўғри навбатчилиги боис, маҳалла аҳлининг уйқуси тинч.

Ҳудудда тинчлик, осойишталикни сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилатган ҳамкорликдаги ишлар эътиборсиз қолмапти. Вилоят миқёсида ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловини мазкур милиция таянч пункти танловга тақдим этилган 13 та энг сара масканлар ичида ғолиб, деб топилди, республика босқичига йўлангани кўлга киритди.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА, «Поста» мухбири. Тошкент вилояти.

ҒОЛИБ МАСКАНЛАР АНИҚЛАНДИ

«Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи натоғига етди. Унда 331 та осойишталик маскани иштирок этди.

Барча шартлар бўйича яқин натижаларга эришган Марғилон шаҳри Янгибўғ маҳалласидаги 18-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, капитан Мирзоҳид

Мадазимов) 1-ўринга лойиқ, деб топилди. 2-ўринни Учкўприк тумани «Ғозниждувон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги 282-милиция таянч пункти (профилактика

ка катта инспектори, майор Нодир Қодиров) эгаллади. 3-ўрин эса Қўқон шаҳри Мустақиллик маҳалласидаги 50-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, капитан Воҳид Содиров)га насиб этди.

Раҳмонали ҚОСИМОВ, Фарғона вилояти.

Хоразм вилояти ИИБда «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла посбони сардорлари иштирок этди.



СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи, полковник А. Ибрагимов юрт тинчлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлашда шарафли ҳамда масъулиятли ишда ички ишлар идоралари ходимлари шу жумладан, профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилатган ишларга атрофлича тўхталиб ўтди. Шунингдек, нотиз ўз сўзида ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан профилактика инспекторлари ишини янада яхшилашга алоҳи-

да эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари эълон қилинди. Ўшда Қўнқўприк туманининг Ўртаён қишлоғидаги 94-сонли МГП биринчи, Янгибозор туманидаги Қалаңлардурман қишлоғида жойлашган 138-сонли МГП иккинчи, Урганч шаҳридаги Умид маҳалласида жойлашган 25-сонли ҳамда Хива туманидаги

Янгиобод шаҳарчасидаги 71-сонли милиция таянч пунктлари учинчи ўринларни кўлга киритишди. Тадбир сўнггида намунали хизмат қиладиган ходимларга ҳамда танлов ғолибларига бошқарманинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Худойберган ЖАББОРОВ, «Поста» мухбири. Хоразм вилояти.

Суратда: Қўнқўприк туманидаги Ўртаён қишлоғида жойлашган 94-милиция таянч пункти биноси.

КАРАМАТДИНГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

«Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикасидаги саралаш босқичи юқори савияда ўтказилди. Жойлардаги милиция таянч пунктларида фуқароларни қабул қилиш яхшилангани, масканлар атрофида маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари шаклланиши, болаларни спорт турларига жалб этиш яхши йўлга қўйилгани, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларда овул, маҳалла ҳамда жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилгани яққол намоён бўлди.

Бунга Қўнғирот туманидаги Навоий маҳалласи ҳудудида жойлашган 77-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Караматдин Абдуллаевнинг фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Маҳалла миқёсида асосан темир йўл хизматчилари истиқомат қилишади. Мазкур соҳа вакилларининг меҳнат фаолияти

кўпинча сафарга тўғри келади. Шу боис ҳам асосий эътибор уларнинг оилаларига қулайликлар яратишга қаратилмоқда. Профилактика инспекторлари билан ҳамжихатликда олиб бораётган ишларимиз ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар сезиларли камайишига асос бўлмоқда. Замонавий услубда қурилган касалхона, мактаб, боғча ва темир йўл спорт саройидан бугун нафақат маҳалламиз, балки туман аҳли фойдаланмоқда, — деди Навоий маҳалласи оқсоқоли Камка опа Иртелева.

Кўрик-танлов ҳайъати профилактика инспектори, катта лейтенант Караматдин Абдуллаевнинг фаолиятини юқори баҳолаб, у хизмат қиладиган милиция таянч пунктига биринчи ўринни беришни лозим топди. Тахиятош шаҳридаги 11-милиция таянч пункти иккинчи, Беруний туманидаги 38-милиция таянч пункти эса учинчи ўринни эгаллади.

Дурдубой ХУДОЙШУКУРОВ, «Поста» мухбири. Қорақалпоғистон Республикаси.

«ВАТАНПАРВАР» ГАЗЕТАСИ — МЕҲМОНИМИЗ

Ўз истиклолининг қадри билмайдиган, уни химоя қила олмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга мажбур бўлади. Шу маънода истиклолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни тузишга, шакллантиришга ҳаракат қилинди.

1992 йилнинг 14 январида республика Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида» ги қарори тарихий аҳамиятга эга бўлганини яхши биламиз. Бунга кўра, мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий қисм ва муассасалар республика тасарруфига олинди. 1993 йилнинг 23 декабрида эса Олий Кенгашнинг Қонуни билан 14 январь — Ватан химоячилари куни сифатида белгиланди.

Бугун миллий армиямизда ўтказилган ислохотлар самараси борасида фахр билан, баралла айта оламиз.

Армияни ислох қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички таҳдид ва ҳаётларни чуқур ўрганиш асосида Қуроли Кучларни қуриш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Ҳарбий округлар, чегара ҳудудларининг тузилиши, ҳарбий операциялар олиб бориладиган энг муҳим йўналишларда жанговар қўшин гуруҳларининг ташкил этилиши, ўз таркибида энг муҳим ҳарбий тузилмаларни бирлаштирган Қуроли Кучлар Бирлашган штабининг шакллантирилиши мамлакатимизда ягона мақсад ва вазифалар негизда узвий боғланган ишончли мудофаа тизimini яратиш имконини берди.

Қуроли Кучларимиз сифини тўлдириш тартиби изчил ва босқичма-босқич та-

комиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди, шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш деярли яқунланди, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга чақирув бир йилда бир марта амалга ошириладиган бўлди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси Қуроли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-этибори юксак даражага кўтарилди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди.

Ҳарбий ўқув юртимизда таълим тизи-

ми тубдан ўзгармоқда, уларда бўлгуси офицерларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципал жиҳатдан мутлақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган. Бугун катта мамнуният билан шуни қайд этиш лозимки, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва тарбиялашнинг ўзига хос, нодир тизими яратилгани тўғрисида Қуроли Кучларимизнинг деярли бутун

қўмондонлик ва сержантлар таркиби тўлиқ янгиланди.

Яқинда ниҳоясига етган «Энг яхши олий ҳарбий таълим муассасаси» кўрик-танловида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ҳарбий таълим тизимидаги изчил ислохотлар сабаб бугун армия сафларига аввалдан мустақил ва суверен Ўзбекистонимизга хизмат қилиш, унинг манфаатлари ва сарҳадларини, халқимиз-

нинг тинч ва осуда ҳаётини химоя этишга азму қарор қилган мард ва фидоий, интеллектуал жиҳатдан тарбия топган етук кадрлар етиштириб берилмоқда.

2008 йилда «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарори ўз ҳаётини Ватанни химоя қилишдек

Фармони эълон қилинди.

Мазкур муҳим ҳужжат муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларни, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчиларни жисмоний ва маънавий камол топтиришга, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг химоясига шай туриш руҳига асосланган мукамал характерни, қатъий ҳаётий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик тарбияси тизимининг самарадорлигини янада оширишга қаратилган эътиборнинг намунасидир. Қолаверса, Фармон миллий армиямиз сафларини ҳар томонлама соғлом, баркамол ўғлонлар ҳисобига бутлашдек устувор вазифага жойларда бундан кейин ҳам жиддий эътибор қаратишни, ҳарбий бошқарув органларининг маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари билан чақирув сифатини янада ошириш борасида кенг ҳамкорликларни йўлга қўйишда улкан аҳамият касб этади.

Қуроли Кучларимизда ўтказилаётган янгиланиш, ўзгаришларга қисқача назар ташлаб шундайин хулосага келиш мумкин: ислохотлар халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг метин қалқони бўладиган, қуро-яроғ ва ҳарбий маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган миллий армиямизни шакллантиришга қаратилган. Бугун эса комил ишонч билан айта оламизки, орзу-ҳавасларимизни, порлоқ истиқболимизни, миллий истиқлол мафқурасини ишончли химоя қила оладиган армиямиз бор.

Алижон САФАРОВ.

ИСТИҚЛОЛНИНГ МЕТИН ҚАЛҚОНЛАРИМИЗ



буюк ишга бағишлаган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий химоялаш, шунингдек, уй-жой ва социал-маиший шароитларини янада яхшилашга қаратилган эзгу ишларнинг мантиқий давоми дейишимиз мумкин. Энди ҳарбий хизматчилар ўрнатилган тартиб асосида ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олишлари, яқка тартибда уй-жой қуришлари мумкин.

2008 йилнинг 20 ноябрида Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги

«ЭНГ ИЛҒОР МУТАХАССИС» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

Маълумки, жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда ҳарб илми бўйича эгаллаган билимлари муҳим аҳамиятга эга. Қуроли Кучлар бўйича ташкил этилган, анъанага айлиниб улгурган «Энг илғор мутахассис» танлови ҳарбийларимизнинг маҳорати ошишда катта ўрин тутмоқда.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Бугун замонавий армиянинг посбони нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаган, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксак бўлиши, ҳар жойда, ҳар қандай вазиятда етакчилик қобилиятини намоён эта олиши лозимлиги талаб этилмоқда. Бу жараёнда эса, тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб-ўрганиш муҳим ўрин тутди. Посбонларнинг ҳар томонлама етук, ўз касбининг устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида мазкур танловнинг аҳамияти чексиз.

Биз танловнинг 2008 йилги республика босқичида «Энг илғор взвод командири» ва «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида 1-ўринни қўлга киритган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти офицерлари Зафар Негматов

ҳамда Ойбек Имомовлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Бу икки офицер бир вақтда билим юртида таҳсил олишиб, ҳозирги кунда шу ерда ўз фаолиятларини давом эттириб, курсантларга соҳа билимларини юксак даражада ўргатиб келишмоқда.

— Офицерлар Негматов ва Имомовлар билим юртимизнинг энг фаол ҳарбийлари ҳисобланишади, — дейди офицер Мақсуд Хожиев. — Улар шу кунга қадар кўплаб ютуқларни қўлга киритишиб, барчага намуна бўлишяпти. Шундай нуфузли танловда иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой олишнинг ўзи бўлмади. Бунинг учун посбондан кучли билим ва маҳорат талаб қилинади. Уларнинг танловга тайёргарлик жараёнини кузатиб, юқори натижани эгаллашларига амин бўлгандим.

Ғолибларга офицерлар Ихтиёр Бобомуродов (жисмоний тайёргарлик), Обид Гаипназа-

ров (ўқ отиш), Шуҳрат Усмонов (тактик тайёргарлик)лар катта ёрдам берди.

Дарҳақиқат, офицер Негматов курсантлик кезларидаёқ, ўзини ҳар томонлама кўрсатган эди. У кураш бўйича Қуроли Кучлар миқёсида ўтказилган чемпионатда катнашиб, фахрли ўринни эгаллаган бўлса, Умумармия ўйинларида 2-ўринни қўлга киритган. Билим юртига ўқишга киргунга қадар Самарқанд вилояти Тойлоқ шаҳридаги Республика Олимпия захиралари коллежида ўқиб, спортнинг миллий кураш ва дзюдо турлари билан шугулланган. Бу унинг хизмати мубайнида жисмоний тайёргарлик машгулотларида юқори натижаларга эришишида асқотди.

Шунингдек, Давлат чегараларини химоя қилишда кўрсатган аъло хизматлари, қўл остидагиларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун 2007 йилда Қуроли Кучлар Бирлашган штаби бошлигининг «Эсдалик нишони» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган. У «Энг илғор мутахассис» танловининг республика босқичида катнашиб, «Энг илғор взвод командири» номинациясида фахрли 1-ўринга сазовор бўлди.

— Мазкур танловда иккинчи бор иштирок этишим. Танловга тайёргарлик кўришида малакали офицерларнинг ёрдами кат-

та бўлди. Танловда энг асосийси ғолиблик эмас, деб ўйлайман. Малакали офицерлардан кўпгина амалий билимларни эгаллаш, тажриба алмашиш келгуси фаолиятимда муҳим ўрин тутди. Бундан кейин ҳам ютуқларни қўлга киритиб, соҳам бўйича билим ва маҳоратимни янада мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қиламан.

Офицер Имомов танловнинг «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида ғолиб бўлди. У курсантлик пайтида спорт бўйича кўплаб ютуқларга эришган. Жумладан, 3 йил давомида тош кўтариш бўйича 80 кг. вазнда Қуроли Кучларда фахрли 1-ўринни эгаллаган бўлса, Умумармия ўйинларида 1-ўринни қўлга киритган. Жисмоний тайёргарлик бўйича эришган ютуқлари учун 2007 йилда Қуроли Кучлар Бирлашган штаби бошлигининг «Эсдалик нишони» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Биламизки, ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, Ватанни химоя қилишни ўз олдига мақсад қилган, тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг посбонлари бўлмиш ҳарбий хизматчилардан матонат, фидойилик, мардлик, садоқат, кучли ирода ва шижоат талаб этилади. Бугунги танлов ғолибларининг қалбида эса бу фазилатлар мужассам. Президентимиз асос солган мазкур танлов мана шундай мард ўғлонларни кашф қилмоқда.

Ахрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» муҳбири.

ПОСБОН ОНАЛАРИ ҚАЛБИДА ҒУРУР

Шарқий ҳарбий округ Офицерлар уйида Ватан химоячилари куни муносабати билан «Аскар оналари ташрифи» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унга Қуроли Кучларимизда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оналари ҳамда оила аъзолари таклиф этилди.

— Ватанин севиш, унинг тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилиш, юрт шаъни учун садоқатли, жасоратли бўлиш мард йигитнинг ишидир. Бугун менинг фарзандим мана шундай ўғлонлар сафида эканидан беҳад қувонаман. Бу — тонгларга уланган бедор тунларим, аллаларга қўшилган ширин орзуларим, отасининг ушалган умидлари, оиламизнинг обрўйи ва келажагидир, — дейди аскар онаси Малика Валиева.

Ҳа, фарзандлари юрт химоячиси мақомига эришган оналар, оталарнинг қалбидан бугун шундай фахр, ғурур туйғулари кечмоқда.

— Мазкур тадбирни ўтказиш анъана тусини олган, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Хўжаева. — Соғлом ўғлонларни дунёга келтириш, уларни Ватан хизматида камарбаста, мард ва жасур этиб тарбиялаш ҳар бир онанинг орзусидир. Шу боис аскарлар, ҳарбий хизматчилар эришаётган ютуқ ва муваффақиятлар биринчи навбатда уларнинг оналарини қувонтиради. Бугунги тадбирдан қўзланган асосий мақсад ҳам ана шундай орзулари амалга ошган оналар қалбига фахр-ифтихор туйғуларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Посбонлар томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, куй-қўшиқлар, вилоят бадиий жамоалари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти иштирокчилар қалбига олам-олам қувонч олиб кирди.

ФУТБОЛ

ЁШЛАРИМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Қатар пойтахти Доха шаҳрида Осиё, Европа ва Африка қитъаси мамлакатлари футболчилари иштирокида ташкил этилган анъанавий «Дустлик» халқаро турнирида голиблик учун белланмоқда.

«А» гуруҳида тўп сураётган Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари учрашувнинг барчасида галаба қозониб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Дастлабки турда беларуслик тенглошларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган футболчиларимиз кейинги белланувда Малайзия ёшлар терма жамоасини 4:2 ҳисобида доғда қолдирди. Сўнги учрашувда ёшларимиз мезбонларни, яъни Қатар ёшлар терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Голиб ва совриндорлар номи 20 январь куни маълум бўлади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўтган йили мазкур турнирда фахрли учинчи ўринни эгаллаган эди.



«НЕФТЧИ» ОФК КУБОГИДА

Осиё футбол конфедерацияси «ОФК кубоги» мусобақасида иштирок этадиган жамоалар рўйхатини эълон қилди. Кувонарлиси, мазкур мусобақада Фаргонанинг «Нефтчи» жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Бундан бир ярим ой илгари Ўзбекистонда иккита жамоа – «Бунёдкор» ва «Пахтакор» иштирок этиши маълум қилинган. Кўпчилик футбол мухлисларимиз «Нефтчи»нинг ҳам мазкур мусобақада иштирокини астойдил хоҳлаганди. Мана, ОФК турнир катнашчиларини маълум қилиб, қуръа натижаларини эълон қилди.

Бу йилги «ОФК кубоги»нинг гуруҳ беллашувларида 32 жамоа катнашади. Рўйхатда 29 та клуб номи келтирилган. Қолган учта жамоа Осиё чемпионлари лигасининг дастлабки плей-офф босқичи баҳсларидан сўнг аниқланади. Қуръа натижасига кўра, Юрий Саркисян шогирдлари «А» гуруҳидан ўрин эгаллашди. «Нефтчи» Ливаннинг «Ал-Аҳад», Баҳрайннинг «Бусайтин» ва Яманнинг «Ал-Тилал» жамоалари билан куч синашади.

Шунингдек, 1/8 финал босқичига ҳам қуръа ташланди. Қуръа натижалари билан танишинг:

- «А» гуруҳи**
1. «Ал-Аҳад» (Ливан)
 2. «Бусайтин» (Баҳрайн)
 3. «Ал-Тилал» (Яман)
 4. «Нефтчи» (Ўзбекистон)
- «В» гуруҳи**
1. «Ал-Заура» (Ироқ)
 2. «Сафа» (Ливан)
 3. «Ал-Сувайқ» (Уммон)
 4. «Ал-Хилол» (Яман)
- «С» гуруҳи**
1. «Ал-Араби» (Қувайт)
 2. «Арбид» (Ироқ)
 3. «Ал-Мобарра» (Ливан)
 4. «Ал-Оруба» (Уммон)
- «Д» гуруҳи**
1. «Ал-Карам» (Сурия)
 2. «СК Қувайт» (Қувайт)
 3. «Ал-Вихдат» (Иордания)
 4. «Моҳун Баган» (Ҳиндистон)

- «Е» гуруҳи**
1. «Муҳаррак» (Баҳрайн)
 2. «Ал-Мажл» (Сурия)
 3. Плей-Офф – Фарб
 4. «Ал-Файсал» (Иордания)
- «Г» гуруҳи**
1. «Саут-Чайна» (Гонконг)
 2. ВБ (Мальдив ороллари)
 3. «Жохор» (Малайзия)
 4. Плей-офф – Шарқ 1
- «Г» гуруҳи**
1. «Ханой-АСВ» (Вьетнам)
 2. «Истери-Атлетик» (Гонконг)
 3. «Чонбур» (Таиланд)
 4. «Келах» (Малайзия)
- «Н» гуруҳи**
1. «Валенси» (Мальдив ороллари)
 2. «Бин-Дуонг» (Вьетнам)
 3. «Хоум-Юнайтед» (Сингапур)
 4. Плей-офф – Шарқ 2

ОФК чемпионлар лигаси плей-офф босқичи иштирокчилари:

Фарб – «Ал-Шаржа» (БАА), «Демпо» (Ҳиндистон)

Шарқ – «Провиншиал Электрисити Ауторити» (Таиланд), «Армд Форси» (Сингапур), «ПСМС Медан» (Индонезия)

1/8 финал.

«А» гуруҳи голиби – «Д» гуруҳида 2-ўрин

«В» гуруҳи голиби – «С» гуруҳида 2-ўрин

«С» гуруҳи голиби – «В» гуруҳида 2-ўрин

«Д» гуруҳи голиби – «Е» гуруҳида 2-ўрин

«Е» гуруҳи голиби – «А» гуруҳида 2-ўрин

«Г» гуруҳи голиби – «Н» гуруҳида 2-ўрин

«Г» гуруҳи голиби – «Г» гуруҳида 2-ўрин

«Н» гуруҳи голиби – «Г» гуруҳида 2-ўрин

«А» гуруҳи жамоаларининг ўйинлари жадвали:

10 март. «Ал-Аҳад» – «Нефтчи»

17 март. «Нефтчи» – «Ал-Тилал»

7 апрель. «Нефтчи» – «Бусайтин»

21 апрель. «Бусайтин» – «Нефтчи»

5 май. «Нефтчи» – «Ал-Аҳад»

19 май. «Ал-Тилал» – «Нефтчи»

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

РЕКОРДАН ВОЗ КЕЧДИ

Маъмур сузувчи Майкл Фелпс Олимпиада ўйинларида медаллар рекордини ўрнатилган воз кечди. Майкл 2012 йилги Олимпиада ўйинларида у учун янги бўлган чалқанча, эркин сузиш бўйича ўзини синаб кўрмоқчи. Эслатиб ўтамиз, америкалик сузувчи Пекин Олимпиадасида саккизта олтин медални қўлга киритган.



ЙИЛ МУРАББИЙИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) 2008 йилнинг энг яхши терма жамоа мураббийини аниқлаш мақсадида 87 мамлакат экспертлари ўртасида сўровнома ўтказди. Унга кўра, Европа чемпионати (2008 йил)да галаба қозонган Испания терма жамоасининг мураббийи Луис Арагонес муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Россия терма жамоаси устози Гуус Хилдик ҳамда Туркия терма мураббийи Фотих Теримга насиб этди.



ГОЛИБ – ЭНДИ МЮРРЕЙ

Қатар пойтахти Доха шаҳрида теннис бўйича халқаро турнир ниҳоясига етди. Мукофот жамғармаси бир миллион АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур мусобақанинг ҳал қилувчи финал баҳсида ракетка устаси Энди Мюррей АҚШ вакили Энди Роддикни 7:6, 3:6, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди.



ПЕШҚАДАМЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

Мингтақавий хоккей лигаси чемпионати пешқалами «Салават Юлаев» «Трактор» (Челябинск) жамоаси устидан 4:1 ҳисобида галаба қозониб, Уфаликлар 42 та ўйиндан сўнг 103 очко жамғариб турнир жадвалида етакчилигини мустаҳкамлади.

«ДАКАР – 2009» ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жанубий Америкада ўтказилаётган халқаро ралли «Дакар-2009» мусобақасининг юк машиналари ўртасидаги баҳсларда россиялик пойгачилар Владимир Чагин ва Фирдаус Кабировлар тўққизинчи турда пешқаламлигини мустаҳкамлади. Енгил машина ҳамда мотоцикллар белланувида эса испанияликлар Карлос Сайнс ва Марк Комалар етакчилик қилишмоқда.



ЗИКО ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси бош мураббийи Зико Россиянинг ЦСКА (Москва) футбол клуби билан уч йиллик шартнома тузди. Айни пайтда Испанияда ўқув-машғулот йиғинини ўтказиб турган бунёдкорчиларга ким бош мураббий этиб тайинлангани тўғрисида аниқ маълумот йўқ.

РОНАЛДУ – ЖАҲОННИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

Халқаро футбол федерацияси – ФИФАнинг Цюрих операсида бўлиб ўтган тантанали маросимида 2008 йилнинг энг яхши футболчиси номи эълон қилинди. Португалия терма жамоаси ва «Манчестер Юнайтед» клуби ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду жаҳоннинг энг яхши футболчиси, деб тан олинди. Роналду ушбу номга даъвогарлардан – «Милан» ярим ҳимоячиси Кака, «Барселона»нинг аргентиналик ҳужумчиси Лионель Месси ҳамда Испания терма жамоаси аъзолари – Фернандо Торрес («Ливерпуль») ва Хави («Барселона»)ларни қувиб ўтишга муваффақ бўлди.



«Йилнинг энг яхши футболчи аёли» номинациясига эса бразилиялик Марта муносиб деб топилди. Шунингдек, ФИФА томонидан илк бор «Футболни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун» соврини жорий этилди. Бу мукофот ўтган йили Ўз ҳудудида биринчи халқаро турнир ташкил этган Фаластин футбол ассоциациясига топширилди. «Энг ҳалол ўйин» номинациясини Туркия терма жамоаси қўлга киритди.

РЕЙТИНГДА КЎТАРИЛМОҚДАМИЗ

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) терма жамоаларининг янги – январь ойи учун рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси декабрь ойи рейтингигаги ўрнини юқорига кўтарилди. Ҳозир 69-ўрини банд этиб туришмоқда. Бундан бир неча ой илгари кучли 70 таликни тарк этган терма жамоамиз, сўнги 2 ойдан бери кўтарилганига эришмоқда ва аста-секин аввалги мавқеини тикламоқда. Хабарингиз бор, Ўзбекистон терма жамоаси 28 январь куни БАА, 1 февраль куни Озарбойжон, 11 февраль куни эса Баҳрайн терма жамоалари билан майдонга тушди. Ушбу учрашувларда қайд этиладиган ижобий натижалар терма жамоамизнинг рейтингда янада юқорида кўтарилганига хизмат қилди.

Саҳифа материалларини А.ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ Тошкент-Жанубий темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Рустам Ариповга падари бузруквори, истеъфодаги полковник **ИСМОИЛ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

УЧРАШУВ

Ўзининг кизикдан-қизик латифалари ва ҳангомалари билан халқимизга табассум улашиб келаётган «Ҳандалак»чи Ортиқ СУЛТОНОВ саҳифамиз меҳмони.

ИККИ ДҮСТ СУҲБАТИ



Ортиқ СУЛТОНОВ ҳақида маълумотлар:
Ортиқ Султонов 1971 йилда Самарқанд вилояти Ургут тумани Қинғир қишлоғида туғилган. 1978 йилда шу қишлоқдаги 52-мактабда ва кўшни қишлоқдаги 34-ўрта мактабда ўқиган. 1988-1992 йилларда Маннон Уйгур номидаги Тошкент давлат санъат институтида таҳсил олган. Айни пайтда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телерадиоканали режиссёри, санъатшунослик фанлари номзоди. Оилали. Уч ўғил ва бир қизнинг отаси.

— Ортиқ ака, мана, ўн етти йилдан бери элимизнинг кайфиятини кўтариш, кулдириш йўлида ижод қилиб келаясизлар...

— Ҳаётимизнинг маъноси инсонларнинг яхши кўнралида қувончларига шерик бўлиш, уларга хизмат қилишдан иборат. Халқимизга хизмат қилишдан ҳечам чарчамаймиз. Кўпинча биздан «Хизматлар билан чарчамаясизларми?» деб сўрашади. Аслида ҳолаҳвол сўраганлар биздан кўра ҳам машаққатлироқ меҳнатни бошларидан кечириб юрган инсонлардир.

— Энди бевосита «Ҳандалак» гуруҳи фаолиятига тўхталсангиз.

— Дастлаб беш йилгит бирлашиб «Ғайра-Ғайра» ҳазил гуруҳини туздик. Кейинроқ «Марду майдон» кўрсатуви-нинг «Аскар хангомалари»да оддий аскар (Ортиқ Султонов) ва зобит (Зокир Очилдиев) қиёфасида хангомалар намойиши этиб юрдик. Шундан сўнг шеригим Зокир Очилдиев билан ўзига хос, бошқалар ижодига ўхшамайдиган услубда кулги яратиб йўлда изладик. Ҳаракатларимиз самараси улароқ, 2000 йилда «Ҳандалак» кўрсатувини тайёрлаб, халқимиз эътиборига ҳавола этишга муваффақ бўлдик. Кўрсатув нега «Ҳандалак» деб номланган деган савол туғилиши мумкин. Ҳандалак ёқимли, ҳидининг ўзиёқ кишига ҳузур бағишлаш сабабли Зокир билан маслаҳатлашиб, шу номни танлаганмиз. Ўзимиз кўрсатувини «Икки дўст суҳбати» деб атаيمиз. Чунки бу услуб икки дўст суҳбати асосида яратилган.

Ижодимиз халқимизга маъқул бўлгани боис, тўйларга бирор-бир қизикчини таклиф этишса, бизнинг устубимизда, аниқроқи, дастурларимиз асосида одамларни кулдираётганини кўраимиз. Бундан биз албатта хурсандимиз.

— Санъат соҳаси бўйича илмий ишлашлар олиб боришингиз қизикчилик фаолиятингизга таъсир кўрсатмайдими?

— Устубимиз қуруқ ҳаракатда, сўзда қолиб кетмаслиги учун «Кулгу ҳақида... кулги-чи», «Кулгу шаҳарчасида»

номли китобларимиз киритилди. Қолаверса, кулги оламининг ҳам замонавий, ҳам анъанавий шакли ва йўналишларида баракали ижод қилиб келаётган ажойиб санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзабек Холимов фаолияти ҳамда у тузган қизикчилар театри дастурлари ҳақидаги «Мирза қизик» номли китобимиз Иброҳим Абдураҳмонов билан ҳаммуаллифликда chop этилди. Ушбу китобларда бизнинг йўлимизни танлаган қизикчилар қандай ижод қилишлари керакликлари туғрисидаги тупунчалар ўрин олган. Бугунги кунда кўплаб санъат олийгоҳларида мазкур китоблардан қўлимча

қўланма сифатида фойдаланилмоқда. Шунингдек, 2004 йилда «Ўзбекистон телевидениесига кулги санъати» мавзуда номзодлик иштини ёқладим ва шу номдаги китобим босмадан чиқди.

— Халқимиз устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўргалар, деб бежиз айтмаган. Шу ўринда устозларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Биринчи гада, устоз деб, элимизнинг сеvimли санъаткори, марҳум Ҳожибой Тожибоевни эътибор этаман. Қолаверса, кимдан нима ўрганганимиз ўша инсон устоз саналади, менинг фикримча. Менга қизикчиликни ўргатган инсонлар ушбу соҳа вакиллари эмас.

Раҳматли Ҳожибой акага тўхталганим бўлсам, у киши ҳаётида учрайдиган воқеаларни айтиб кулдиради. Бошқалар эътибор бермайдиган қизикчиларни халқдан олиб, халққа қайтарди. Дастурлари миллий менталитетимизга мос келадиган жиҳатлари билан бошқа қизикчилардан устун эдилар. Ҳожибой Тожибоевдан кулдириш маданиятини ўрганганимиз. Айтиш жоизки, биз ҳам ўз дастурларимизни халқимиз табиати, урф-одатларига зид келмайдиган тарзда тайёрлашга ҳаракат қиляшимиз. Бугунги кунда кўплаб шогирдларимиз бизнинг услубимизни ўрганишмоқда.

— Айтинг-чи, кулдиришда меъёр борми?

— Албатта, ҳар қандай ишла чегара бўлмоғи лозим. Баъзи бир ҳамкасбларим одамларни кулдириш учун ўйлаб-ўйламай кўнол, ҳатто уяли сўзларни ҳам ишлатиб юборишади. Оқибатда ушандай қизикчиларга нисбатан салбий фикрлар айтилади. Кишиларни кулдиришда тарбиявий аҳамиятга эътибор қаратиш лозим, шу билан бирга, фикр бирламчи бўлиши керак.

— Кейинги пайтда «Аскар хангомалари» телевиденида намойиши этилмай қолди...

— «Ҳандалак» ижодкорлари билан маслаҳатлашиб, қолаверса, мухлислар таклифларини инobatга олган ҳолда «Аскар хангомалари»ни янги-ча кўринишда тайёрлашни режалаштириб қўйганмиз.

— Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кун кенг ишопланди. Соҳа вакиллари га тилакларингиз.

— Юргимиз осойишталиги, халқимиз тиңчилигини сақлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган барча инсонларни, шу жумладан, ички ишлар идоралари ходимларини ҳам Ватан ҳимоячилари кун билан чин юракдан табриклайман. Посбонларимиз бор экан, мамлакатимиз осойишта бўлади. Осойишта юртга байрамлар, тантаналар ярашади. Уларнинг машаққатли хизматларида омад ёр бўлишини тилайман.

— Сизга ҳам доим халқимиз ардоғида бўлиб юринг, деймиз. Қизикarli суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: **Кобилжон ШОКИРОВ.**

Суратда: «Ҳандалак»чилар қизғин ижод палласида.

Абу **КЕНЖАЕВ** олган сурат.

«Аскар хангомалари»дан

Полковник генералга деди:

— Тартиб яхши, олдингига нисбатан.

Эшикдан аскар бош суқиб:

— Полковник, мен машинани миниб кетаяман.

Полковник генералга:

— Ана кўрдингизми... Олдин оғохлангирмасдан миниб кетарди.

Оддий аскар Ортиқ Султонов: ўртоқ лейтенант, буйруғингизга биноан оддий аскар Ортиқ Султонов этиб келди!

Лейтенант Зокир Очилдиев: менга қара, сенинг устингдан шикоят тушди. Одатинг бор экан, сенга биров савол берса, саволга савол билан жавоб берар экансан?

Оддий аскар: йўғ-е, ростдан ҳам шунақа эканми?

Лейтенант: ҳой менга қара, ўзи қаердансан?

Оддий аскар: қаерликка ўхшайман?

— Исмингиз нимаиди?
— Оддий аскар Орипов.
— Яхши. Сизникичи?
— Оддий аскар Алижонов.
— Сизники нимаиди?
— Оддий аскар Султонов.
— Султонов, хизматинг кайфи йўқ-ку, а?
— Йўқ, ўртоқ полковник хизмат жуда яхши бўляпти. Мана, кеча деворий газетага ёзишибди. Неъматов, Исматов, Самадов яхши хизмат қиляпти ва бошқалар яхши хизмат қиляпти дейишпти.
— Сизнинг фамилянги йўқ-ку?
— Нега энди?! «Ва бошқалар» дегани — бизда!

НАЗМ

ВАТАННИ ОНАДЕК АРДОҚЛАШ ФАХР

Адосиз беватан инсон қайғуси,
Ўзга юрт ҳеч кимга ватан бўлмайди.
Оламда эзгудир Ватан туйғуси,
Ватан деганларнинг номи ўлмайди.

Ҳар кимга азиздир туғилган тупроқ,
Ватанинг ҳеч қачон ёмони бўлмас.
Ватан — каъбанг, ҳатто ундан устунроқ,
Ватан — улғу неъмат, Ватан — муқаддас.

Ватанни онадек ардоқлаш фахр,
Ватан она каби меҳрибон ахир.
Мустақил юртим бор, ўзим эркинман,
Шу учун ўзингга минг бора шукур.

Моҳинур ҚУРБОНОВА,
республика ИИБ Академияси
1-босқич тингловчиси.

ФАХР

МЕНИНГ АСКАР АКАЖОНИМ!

Эгнингиздаги ҳарбий либосга кўзи тушган бувижонимнинг кўзида ёш, ойижонимнинг лабларида табассум, дадажоним бошини ўзгача гурур билан кўтарганини кўрдим. Менинг эса юрагим ҳаприқиб кетди: «Наҳотки, шу хунсурут йигит менинг акажоним бўлса?».

«Бўйганидан бувинг ўргилсин, тойчоғим, либосинг бирам ярашибдики, ўзим қоқилдик. Илоҳим, бошинг омон бўлсин. Ўртоқларинг билан Ватанимизни мардларча ҳимоя қилаверинглар. Бу — ҳар гал бувижоним суратишизни кўрганларида кафтларини очиб қиладиган дуо. Ойижоним менга келинкой излайдилар, зимдан. Дадажоним эса сиздан хабар келса ёки давраларда мард ўғлонлар ҳақида гап кетса мамнун жилмайиб қўядилар. Барчамиз сиз билан фахрланамиз, акажон!»

Мана, ҳозир сафда гурибсиз. Шижаотли, ўқтам йигитлар қаторида эканлигингиздан хурсандман, акажон. Бувим ва ойм болалик чоғларингиз ҳақида гаплаганиб туришибди. Уларнинг сўзларига қараганда ўша кезлари роса шўх бўлган экансиз. Дадам сизга боқиб ёшлик найтлари ёлға тушди шекилли, ҳаракатларингизни кўз узмай кузатаётганлар.

Акажон, уйда ўрнингиз жуда билинаётган эди. Бироқ ҳар гал сиздан мактуб келганда кўнглимиз қувончга тўлиб кетарди. Энди эса ҳаммамиз орзиқиб кутган вақт келди: сиз йигитлик бурчини ўтаб, бағримизга қайтаёсиз. Менга мазза бўлди-да: дугоналаримнинг ҳавасини келтираман, шундай акам бор, кўриб қўйинглар, деб.

Акажон, маҳалламиздаги Гавҳар хола-нинг қизи Дилдор онам сизни тез-тез сўраб турадилар. Яхши юрган эканлар десам қувониб, кейин негадир қизариб кетадилар. У жуда лобар, ақлли қиз. Агар менга келинкой бўлсалар роса қувонардим-да.

Аскарлар бунча шахдам қадам ташлаш-маса. Худди интиқ шорак безовта ураётган-дек: гурс-гурс-гурс. Юр қизим, акангнинг олдида, деб дадажоним қўлимдан ушлаб олдилар. Бир қўлимда гул билан саф томон талнинман. Чунки сизни жуда соғиндим, акажон!

Гули НИГОР.

ISSN 2010-5355

ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI
IIV BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI
MUASSIS.
ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib — **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi — **Azizjon FAYZIYEV**

Sahifalovchi — **Zokir BOLTAYEV**

Matn ko'chiruvchi — **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.
E-mail: postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik
innovatsion tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.
INN 200637499.

«O'zbekiston»
nashriyot-matbaa ijodiy
uyi bosmaxonasida
chop etildi. Korxonada
manzili: Alisher Navoiy
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma **09-504** Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq. **500** nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180. Tashkilotlar uchun — 366. Bosishga topshirish vaqti — 23.00. Bosishga topshirildi — 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.